

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 64 (11.125)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентдаги «Файз» холдинг компаниясида «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашнинг ҳуқуқий жиҳатлари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг куйи палатадаги фракцияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

● Кеча Тошкентдаги Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўрғазмалар залида «Курилиш, безаклар, ёритиш жиҳозлари, технологиялар ҳамда қадоклаш ускуналари индустрияси» Халқаро кўрғазмаси бошланди. Унда Туркиянинг ва мамлакатимиздаги 30га яқин компания ва фирмалар маҳсулот намуналари ҳамда хизмат кўрсатиш турлари билан иштирок этмоқда.

● Уйчи туманида ташкил этилган дўстлик форуми «Шу азиз Ватан—барчамизники» деб номланди. Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Наманган вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида уюштирилган мазкур анжуманда ҳудудда истиқомат қилаётган киргиз, тожик, рус, ўзбек миллати вакиллари иштирок этишди.

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фалларол туман кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан «Аёл борки, олам мунаввар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

● Ҳазораслик тадбиркор аёл Дармонжон Жумабоева Наврўзнинг шуқуҳли кунларида «Амударё» маҳалласи ахлига ўз тухфасини топширди. У маблағи ҳисобидан маҳаллага гузар қуриб берди. Гузардан шинам меҳмонхона, 500 ўринли тўйхона, гўзаллик салони, савдо ярмаркаси ва ошхона жой олган.

● Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошида методик марказ иш бошланди.

● Наманганда «Болалар ва ўсмирлар китоби ҳафталиги» тадбири ўтказилди.

● Аҳолига уяли алоқа хизмати кўрсатувчи «Unitel» МЧЖ Қаршида янги коммутиацион станция ўрнатди. Хитойнинг «Жанвей» компаниясида ишлаб чиқарилган бу замонавий ускуна жанубий минтақада мобил телефонлардан фойдаланувчилар учун катта қулайлик туғдиради.

● Жиззах туманидаги 11та қишлоқ врачлик пункти Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги томонидан 18 турдаги тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Шу тариха ушбу ҚВПларда аҳолини беҳаму қўст тиббий кўриқдан ўтказиш, беморларга аниқ ташхис қўйиш ва даволашда самарали натижаларга эришиш имконияти вужудга келди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Бухарестда бошланган НАТО саммитида Украина ва Грузиянинг ушбу халқаро ташкилотга қабул қилиниши масаласи катта мунозараларга сабаб бўлди. Хусусан, АКШ ушбу масалани қўллаб-қувватласа, кўпчилик Фарбий Европа давлатлари бунга қарши чиқмоқда. Хорватия ва Албания эса НАТОга қабул қилинадиган бўляпти. Бугун мазкур масалалар юзасидан яқуний қарор қабул қилинади.

● Франция Президенти Николя Саркози Афғонистонга қўшимча ҳарбий контингент киритиш лозимлиги тақлифини билдирди.

● Греция парламенти пенсия ислоҳоти бўйича референдум ўтказилмаслигини билдирди.

● Зимбабведа яқинда кун бўлиб ўтган сайлов натижалари эълон қилинди. Парламент сайловларида «Зимбабвеннинг Африка миллий кенгаши—Ватанпарвар fronti» партияси 43 фоиз овоз билан ғалаба қозонди, муҳолифат партияси эса 41 фоиз овоз олди.

● Кеча Россиянинг 40 тонна инсонпарварлик юки ортилган дастлабки самолёти Косового парвоз қилиб, юкларни Қизил Ярм Ой жамиятига тарқатиш учун топширди. Кейинги ўн кун ичида Россия Косового яна 120 тонна юкларни етказишни режалаштирди.

● Ирландия бош вазири Берти Ахерн мамлакат молия вазирлиги пайтида амалга оширган молиявий фибригарликларни очилганлиги учун кеча истеъфога чиқди.

● АҚШнинг Висконсин штатида юз берган кучли портлаш оқибатида черков ва иккита уй буткул вайрон бўлди, етти киши жабрланди.

● Кеча Швейцариянинг Базел шахрида соатлар ва заргарлик буюмларининг йирик кўрғазмаси очилди. Унда соатсозлик соҳасидаги энг сўнгги ютуқлар ва ихтиролар намойиш қилинмоқда. Жумладан, жорий йилги футбол бўйича Европа чемпионати учун мўлжалланган соатлар ҳам илк бор кўрғазма экспонатлари қаторидан ўрин олди.

● АКШ археологлари жаҳон тарихида энг қадимий тилла тақинчоқларни Перуда амалга оширган қазилмалари чоғида топишди. Текширувлар чоғида тақинчоқларнинг бундан 4 минг йил илгари тайёрланганлиги маълум бўлди.

● Саудия Арабистони шахзодаси— қатор компания, меҳмонхона ва савдо марказлари эгаси Ал-Валид бин Талал мамлакатда 1,6 километр бандликдаги минора барпо этиш юзасидан лойиҳа тайёрланганлигини билдирди. Жаҳондаги энг баланд бино бўладиган мазкур миноранинг қурилишига шахзоданинг 5 миллиард АҚШ доллари миқдоринда маблағ ажратгани маълум қилинмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ НАТО/ЕВРОАТЛАНТИКА ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ САММИТИДА ИШТИРОКИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов НАТО Бош қотиби Яап де Хооп Схеффернинг тақлифига биноан 2008 йил 3-4 апрель кунлари Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг Бухарестда бўладиган саммитида иштирок этади.

2008 — Ёшлар йили

ҲАР БИР ЁШГА — БИР НИҲОЛ

МАМЛАКАТИМИЗДА ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА. УШБУ ТАДБИРЛАРДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, ЎРМОНЧИЛИК ВА БОШҚА СОҲАЛАР ҲОДИМЛАРИ БИЛАН БИР ҚАТОРДА ЎҚУВИ, ТАЛАБА ВА ТУРЛИ ЖАБҲАЛАРДА ИШЛАётган ЁШЛАР ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАЁТИР.

Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши матбуот хизматидан маълум қилишларича, навиқрон авлод вакиллари кўча ва хиёбонларни, тарихий қадимжоларни, зиёратгоҳ ва қабристонларни ободонлаштириш, боғларни тартибга келтириш билан бир қаторда, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиб, уларга уй юмушларида кўмак бермоқда.

Ёшлар йилида ўтаётган мазкур ойлик тадбирларини уюшқоқлик билан ташкил этиш ва ўсиб келаётган авлодни бунёдкорлик, миллий қадриятларимизга эҳтиром руҳида тарбиялаш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Ҳар бир ёшга — бир ниҳол» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида юртимизнинг турли ҳудудларида «Ёшлар боғи» барпо этиляпти.

Хоразм вилояти Гурлан туманида бу ерлик йигит-қизлар «Мустақиллик» кўчасида ажратилган бир гектар майдонда минтақа иқлим шароитига мос мева ва манзарали дарахт кўчатлари экдилар. Ёшлар ташкилотлари етакчилигида кундан-кунга чирой оцаётган ушбу ҳудудга «Камолот» боғи, деб ном берилди.

Ортимиз бўйлаб кенг қулоқ ёётган бундай эзгу тадбирлар жараёнида пойтахтимиздаги маҳалла ва таълим муассасалари ёшлари ҳам фаол иштирок этаётир.

— Яқинда маҳалла ёшлари бирлашиб ҳудудимиздаги буш турган майдончада «Ёшлар боғи»ни барпо этдик, — дейди Сергели туманидаги 305-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Зийнат Хошимова. — Бу ишда бизга маҳаллаимиз ва уй-жой мулкдорлари ширкати фаоллари яқиндан кўмак берди. Мамлакатимизда давом этаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига ўз улшумизни қўшаётганимиздан ниҳоятда мамнунмиз.

МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ

ПОЙТАХТИМИЗДА БИР ҲАФТА ДАВОМ ЭТГАН МИСР МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ ЯҚУНЛАНДИ. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИДА БЎЛИБ ЎТГАН ТАДБИР «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САЊЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Ўзбекистон Давлат консерваторияси ректори Дилора Муродова, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Нодия Иброҳим Каффофий хоним Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги алоқалар барча жаҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарлари ўртасида имзоланган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

Миср маданияти кунлари ранг-баранг ва қизиқarli тадбирларга бой бўлди. Фафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, Тошкент Давлат шарҳунослук институти, Тошкент ислом университети, Миллий санъат маркази ва бошқа бир қатор маърифий масканларда Мисрнинг «Хуррия» фольклор жамоаси иштирокчида концерт дастури намойиш этилди. Мисрлик расом Сайид Иброҳим Кандийнинг график асарлари ҳамда Ав ал-Ансорийнинг хаттотлик намуналаридан иборат кўрғазма намойиши ўтказилди. Шу билан бирга, араб тили байрами, қизиқarli илмий анжуманлар, кўрик-танловлар ташкил қилинди.

— Ўзбекистонда кўрганларим эшитган ва ўқиганларимдан зиёда экан, — дейди «Хуррия» фольклор жамоаси бадий раҳбари Насриддин Муҳаммад Маҳмуд. — Жамоамизнинг «Офарин» ракс театри ва Ўзбекистон Давлат консерваторияси бадий жамоалари билан ҳамкорликда намойиш этган дастурлари, бошқа маданий тадбирлар мобайнида халқингизнинг санъатга ихлоси баланд эканига гувоҳ бўлдик. Бундай тадбирлар икки халқ ўртасидаги дўстона ва маданий алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

ЎЗА



Кўшма корхоналарда

ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР ЧИҚАРИЛМОҚДА

«ИРРИГАЦИЯ БЎЙИЧА ГСКБ» КЎШМА КОРХОНАСИ ҲОДИМЛАРИ ДОИМИЙ ИЗЛАНИШДА, ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЎЗЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА МЕҲНАТ ҚИЛМОҚДАЛАР. ШУНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗКИ, ЯҚИНДА КЎШМА КОРХОНАДА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ТУРЛИ ТАРМОҚЛАРИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ТАРЗДА ҚўЛЛанилиши мумкин бўлган ЗАМОНАВИЙ МЕТАЛЛ ПОЛИМЕР КУВУРЛАРИ ВА УЛОВЧИ ДЕТАЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙўЛГА ҚўЙИЛДИ.



Корхона янги маҳсулотларининг бошқа шу турдагилардан фарқли томони шундаки, масалан, металл полимер қувурлар атроф-муҳитнинг зарарли таъсирларига барқарорлиги билан ажралиб туради. Бундай замонавий қувурлардан уй-жой ва маъмурий биноларда иссиқ ва совуқ сув таъминоти тизимларида, сув ҳавзаларининг иситилишида иссиқхоналардаги тупроқни қиздиришда фойдаланилади.

Кўшма корхонада эҳтиётлаб қувурлар билан бир қаторда ип-газламадан сифатли қўлқопларни тиқши ҳам йўлга қўйилган. Йил сайин бундай қўлқопларни ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бормоқда. Зеро, бундай маҳсулотларга республикамизнинг фермер хўжалиқлари, қурилиш ташкилотлари, саноат корхоналарида талаб каттадир.

(Ўз мухбиригимиз)

СУРАТЛАРДА: кўшма корхонада ишлаб чиқариш жараёни пухта йўлга қўйилган.

Ҳақимжон Солихов олган суратлар

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Каска сатрларда

● **ЎТГАН** кунни Ёшлар йилига бағишлаб Ҳамза туманида 10-17 ёшли болалар ва ўсмирлар ўртасида стол тенниси, шахмат, шашка бўйича ўтказилган спорт мусобақалари туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

● **КЕЧА** Миллий матбуот марказида журналистлар ўртасида уюштирилган «Олтин қалам» халқаро танловининг ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

● **МИРЗО** Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш масалаларига бағишлаб ўтказилган тадбирда талабалар, ўқитувчилар иштирок этишди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан Республика ўқув-методика марказида мактабга таълим муассасаларида ўқув-методика жараёнини такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган тадбирда мактабга таълим муассасалари педагоглари, тарбиячилар иштирок этишди.

● **КЕЧА** Республика Кўзи оғизлар жамияти марказий бошқаруви ташаббуси билан ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир кўзи оғизлар таълимининг ривожлантиришининг долзарб масалаларига бағишланди.

● **АЙНИ** кунларда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Республика Муҳофаза вазирлиги ҳамкорлигида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги сержантлар тайёрлаш ҳарбий билим юрталарида ташкил этилган «Шунқорлар», «Барно кизлар» бешлашувлари қизгин давом этмоқда.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ОИЛА — ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҲИМОЯСИДА

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚўМИТАСИ, «ELNAJOT» НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ ЖАМҒАРМАСИ ҲАМКОРЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАётган «ҚАЙНОНАЛАР МАКТАБИ» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА МИРЗО УЛУГБЕК ТУМАНИ АЛИШЕР ВАХОЙИ НОМИДАГИ МАҲАЛЛАДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда мазкур тумандаги хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, ҳуқуқшунослар, психологлар, шифокорлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдурахимова, «Elnajot» нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари М.Пўлатова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза этиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади.

Айни пайтда оиланинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш учун зарур шароитларни яратиш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу борада ечимини қутаётган долзарб масалаларни ўз вақтида ҳал этиш ҳокимликлар, турли идоралар, жамоат ташкилотларининг доимий эътиборида.

Тошкент шаҳар хотин-қизлар

ЎЗА мухбири

РЕСПУБЛИКА БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

қисқартириш, тадбиркорлар томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги фармон ва қарорлари ижроси муҳожама этилди.

Йиғилишда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялаш ва уларни қўллаб-қувватлашнинг меъёрий-ҳуқуқий-асослари яратилди, хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар қўриқилганлиги таъкидланди. Хусусан, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қафолатлари тўғрисида»ги қонунда фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун зарур шарт-шароитлар яратиш, улар-

нинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш қатъий белгилаб қўйилган.

Шунга қарамай, жойларда айрим маҳаллий ҳокимият, бошқарув ва назорат идоралари томонидан тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашуш ва тўсқинлик қилиш, уларнинг мулкий ҳуқуқларини менсимаслик каби қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилгани танқид қилинди. Хусусан, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва уларнинг куйи тизимларида ҳамда маҳаллий ҳокимликларда бу борадаги қонунчилик ижроси прокуратура органлари томонидан текширилганда, бир

қатор қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган ва уларни бартараф этиш чоралари қўрилган.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини бузиш, улар фаолиятига асоссиз аралашувлар ва тадбиркорликнинг эркин ривожланиши йўлидаги сунъий тўсиқларга қатъий барҳам бериш зарурлиги таъкидланди.

Тадбир тегишли идоралар вакиллари ва тадбиркорларнинг эркин мулоқоти руҳида ўтди. Муҳожама этилган масала юзасидан ўзаро фикр алмашилди, тадбиркорларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Бехожд НОРБОЕВ,
ЎЗА мухбири

«Ташаббус—2008» ғолиблари

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

ПОЙТАХТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ИШ ЮРИТАЎТГАН, ЯРАТИЛГАН ҲАР БИР ШАРТ-ШАРОИТ, ҚУЛАЙЛИКЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИБ, ИЗЛАНИБ, ИМКОН ТОПАЎТГАН ИШЛА ЧИҚАРУВЧИЛАР САФИ КЕНГАЙИБ, ШУНИНГ БАРОБАРИДА УЛАР ТАЙЁРЛАГАН МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ, СИФАТИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ҲАМ ОРТИБ БОРМОҚДА.

Президентимиз 2007 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш аяқлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги мўрузасида кичик бизнесни нафақат сон жиҳатидан, балки уни аввало сихат жиҳатидан ҳам ривожлантириши-миз, бу борада оддий ишлаб чиқаришдан ички ва ташқи бозорга йўналтирилган мураккаб, юксак технологияга асосланган ишлаб чиқаришга ўтиш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз даркорлигини таъкидлаб ўтдилар. Албатта, бу рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбўл товарлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этади, шунинг баробарида кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ялли ички маҳсулот таркибидегаги улушини янада оширишга эришил-лади.

Пойтахтимизда 2005 йилда фаолият бошлаган «SIMAKX-PARS» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси тадбиркорлик билан иш юритгани боис ҳам бугунги кунда республикада пиролон маҳсулотни тайёрловчи етакчи жамоага айланди. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, авваллари ушбу маҳсулот мамлакатимизга хориздан келтирилган бўлса, бугунги кунда буюртмачилар эҳтиёжини қоллашда корхонанинг саёй-ҳара-катлари ибратли бўляпти. 2007 йилда янги заводнинг ишга туширилиши, цехларга энг замонавий жиҳоз ва линиялар ўрнатилгани, малакали кадрлар жаллангани ишлаб чиқариш қувватини ошириш имконини берди. Корхонада Россия те-хнологиялари асосида тайёрланаётган сертификатланган по-ролон товарлари буюртмага кўра турли қалинлик ва ҳажмда ишлаб чиқарилади. Давлат маҳаллийлаштириш дастурига кир-ган ушбу корхонада ўтган йилда дастур режаси 112 фоизга адо этилди.

Албатта, маҳсулот сифати бош мезон бўлган жойда хари-дорлар ҳам кўпаяверади. «Хувайдо» мебель фабрикаси, «Им-кон-плюс», «СамАвто», «Кен макон» сингари корхоналар асо-сий буюртмачилар сирасига қиради. Шунингдек, Фарғона, Андижон, Олмалик, Қарши шаҳарларидаги буюртмачиларнинг

талаблари ҳам сифатли адо этилмоқда.

—Биз тайёр-лаётган маҳсу-лотлар юмшоқ м е б е л л а р, спорт анжонла-ри, тиббиёт жи-ҳозлари, транс-порт воситалари, ўриндиклари тайёрлашда, қувурларни тер-моизоляциялашда ва маийши мақсадларда кенг қўлланила-ди,—дейди корхона директори ўринбосари Мурод Маққа-мов.—Айни вақтда 30 киши иш билан таъминланган бўлиб, жорий йилда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ёшлар учун янги иш ўринлари очиб, рақобатбардош товарлар турла-рини кўпайтириш мақсадини олдимизга қўйганмиз. Бунинг учун хозирда Россия ва Хитой давлатларидаги ҳамкорла-римиз билан ишланяптиз, Россиядан пўка маҳсулотни тай-ёрловчи янги линия келтирамыз. Ушбу маҳсулот бунёд-корлик ишларида кенг қўлланилиб, импорт ўрнини боса-олади.

Шунинг мамнуият билан айтиш кераки, тадбиркорлар йилни янги режа ва муваффақиятлар билан бошлашди. Республи-камизда Президент соврини учун ўтказилаётган «Ташаббус—2008» кўрик-танловининг Мирзо Улугбек туман босқичида улар «Энг яхши тадбиркор» номини қўлга киритди. Пойтахт босқичида эса фахрли 3-ўринга сазовор бўлган жамоа ахли азалий кадрларимиз эъзози саналмиш Наврўзи оламни кўтаринки руҳда кўриб олишди. Ушбу қайдиёт эса йил бўйи эзгу мақсадлари йўлидаги изланишларида ҳамроҳ бўлади.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТДА: Мурод Маққамоов ўз маҳсулотларини на-моиш этмоқда.



Наталья Семёнова олган сурат

ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН БАСТАКОРЛАР УЮШМАСИ, «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ТАШАББУСИ БИЛАН «САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ» ҲАМДА ХАЛҚАРО ЁШ МУСИҚАЧИЛАР КўРИК-ТАНЛОВИ БўЛИБ ўтди.

САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИГА ЭЪТИБОР

Мамлакатимизда мусиқа, рақомлик, санъат ва ма-даният соҳаларида болаларнинг истеъдодини аниқлаш, уларга ҳар жиҳатдан кўмак кўрсатиш борисида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бундай эзгу иш-ларга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилот-лари муносиб хисса қўшиб келмоқда. Ёш иждоқор-ларни рағбатлантиришга йўналтирилган санъат фести-валлари, концерт ва кўргазмалар, кўрик-танловлар бунинг ёрқин далилидир.

«Санъат ғунчалари» ёш мусиқачилар кўрик-танло-вида юртимиз мусиқа мактабларининг ўқувчилари ки-чик гуруҳлари — тўққиз ёшдан ўн бир ёшгача болалар ҳамда ўн икки ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган мусиқа-чилар ўз истеъдодларини скрипка, виолончель, фор-тепианода намойиш этди.

Бўхоро шаҳридаги 5-болалар мусиқа мактаби ўқу-чиси Жаҳонгир Қосимов скрипка ижроси бўйича Гран-прига сазовор бўлди. Биринчи ўринга кичик гуруҳда Успенский номидаги Республика махсус мусиқа ака-демик лицейи ўқувчиси Лола Мелиева, катта гуруҳда эса пойтахтимиздаги 23-болалар мусиқа мактаби ўқу-чиси Искандар Бозоров лойиқ топилди.

Виолончель ижроси бўйича биринчи ўрин кичик ва катта гуруҳларда Успенский номидаги Республика мах-сус мусиқа академик лицейи ўқувчилари Мария Кас-минина ҳамда Жамшид Саидқаримовга насиб этди.

Фортепиано бўйича Гран-прига Тошкентдаги 2-бо-лалар мусиқа мактаби ўқувчиси Артур Азнауров ҳамда Успенский номидаги Республика махсус мусиқа ака-демик лицейи ўқувчиси Елена Кан сазовор бўлди. Би-ринчи ўрин кичик ва катта гуруҳларда Успенский но-мидаги Республика махсус мусиқа академик лицейи ўқувчиси Санжар Турсуновга ҳамда Глиэр номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейи ўқувчиси Ирода Абдуллоевага берилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Иқтисодиёт

ИШНИНГ КўЗИНИ БИЛИБ

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТ МАСОФАСИ КОРХОНАСИ ТЕМИР ЙўЛ ҲУДУДЛАРИДА МУҲИМ ТЕХНИК ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИБ КЕЛМОҚДА. ТРАНСФОРМАТОР, ИЗОЛЯТОРЛАРНИНГ МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ҲАМ КАТОР ЮТУҚЛАР ҚўЛГА КИРИТИЛДИ.

— Бу борадаги ўтган йил кўрсаткичлари ҳам кишини қувонтиради, — дейди корхонанинг энергия тақсимлаш ва ҳисоблаш бўлими бошлиғи Ботиржон Тўйчиев. — Биз «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси би-лан шартнома асосида сотиб олаётган энергияни те-лашани асосий мақсад қилиб қўйганмиз. Кейинги бир йил ичида 17898,7 минг ватт электр энергияси иқтисод қилинди.

Ғап шундаки, пойтахт жанубий вокзали илгари асо-сан поездлар жўнайдиған жой бўлган эди. Шунга кўра бу ерда ёритишни қўллаб сарфлашга тўри келарди. Эндиликда вокзалда мавжуд иккита трансформаторнинг биттаси бутунлай олиб ташланди. Иккинчисининг ўрни-га энергия сарфини тежайдиған ҳам қувватли транс-форматор ўрнатилди.

Айни вақтда Чуқурсой темир йўл бекатидаги катта трансформатор кичик қувватли трансформаторга алмаш-тирилдики, бу ҳол электр сарфини камайтириш имко-нини берди.

Шунинг ҳам айтиш кераки, бу йил автоматлаштирил-ган ҳисоблаш дастурига уланиш жараёни амалга оши-рилади.

САМОЛЁТНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ

МўЪЖАЗ САМОЛЁТЛАР НАМУНАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЎЗБЕКИСТОН АВИАЦИЯСИ ОЛДИДА ТУРГАН ДОЛЗАР МАСАЛАЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ. БУНДАЙ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛАЙ ВА ЕНГИЛ ҲАВО КЕМАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ АЙНИҚСА ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИГИ ИШЛАРИДА, ФАЗОДАН ЕРДАГИ ҲОЛАТЛАРНИ КУЗАТИШ, АВТОМОБИЛЬ ЙўЛЛАРИДАГИ ҲАРАКАТНИ БОШҚАРИШ, ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ПОЧТА ВА ЮК ТАШИШДА ҚўЛ КЕЛАДИ.

Тошкент Давлат авиация институтини конструкторлари иختиро қилган кичик қишлоқ хўжалик самолётининг янги модели эса бу соҳада жиддий изланиш натижаси бўлди. Лойиҳаланган бу самолётга энг мақбул радиоэлектрон жиҳозлар ўрнатилди. Бу масала олий ўқув юртининг учиш аппаратлари ва аэропортларнинг электр жиҳозла-ри кафедрасида тайёрланган магистрлик диссертация-сида ўз ифодасини топди.

Тадқиқотда ўрнатилган радиоэлектрон жиҳозлашни компьютер орқали бошқариш усули ҳам ёритилди. Бу усул ёрдамида самолёт ҳаракатланаётганда радиоэлек-трон жиҳозларнинг ишланиши бошқариш дастурини яра-тиш имкони озога келди.

Кичик электрон ҳисоблаш машиналарининг вазифа-сини бажариш учун микропроцессорлардан фойдала-ниш ҳам тавсия этилди.

Ақбар АЛИЕВ

ХўНАРЛИНИНГ ҚўЛИ ГУЛ

ХўНАРЛИНИНГ ҚўЛИ ГУЛ ДЕБ, ХАЛҚИМИЗ БЕЖИЗ АЙТМАЙДИ. БОИСИ, ҚўЛ МЕҲНАТИ, ҚАЛБ ҚўРИ БИЛАН БУНЁД ЭТИЛГАН ҚўЗЛАРНИ ҚУВНАТУВЧИ, ҚАЛБЛАРНИ ЗАВҚ-ШАВҚКА ТўЛДИРУВЧИ, АСОСИЙСИ, ИНСОНИ ГўЗАЛЛИКА ОШУФТА ЭТУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР ҲАМДА УЛАРНИ ЯРАТУВЧИ УСТА-ХўНАРМОНДЛАР ҚАДИМДАН ХАЛҚИМИЗ ТОМОНИДАН ҚАДРЛАНИБ, ЭЪЗОЗЛАБ КЕЛИНГАН.

Чилонзор туманида самарали фаолият юритаётган ёғоч ўймакорлигининг моҳир устаси, хўнарманд Раъван Зи-ёевнинг санъат даражасига етказиб тайёрлаган маҳсу-лотлари — сандик, каравот, курси, телефон учун стол-чалари кўплаб кўрик-танловларда элимиз томонидан эътироф этилгани бежиз эмас. Устанинг машаққатли, лекин завқли меҳнати, ижодий изланиши туфайли асо-сан жуда чидамли ҳамда кўркам ҳисобланган ёғоч ва чинор дархатларидан тайёрланаётган мебеллари ўзи-нинг бежирим кўриниши, мустаҳкамлиги, замонавийлик билан анъанавийлик ўзаро уйғунлашиб, ажиб гўзаллик, жозоба бахш этиб туриши билан ажралиб туради.

Жумладан, барча маҳсулотлардаги заргарона бажа-рилган нақшлар ниҳоятда нафис ишланганлиги ҳамда уларга бетакорлик бағишловчи дизайннинг моҳирона танланиши боис ҳам ҳар қандай нозиктаъб миҳознинг эътиборини тортади.

Шуниси эътиборлики, устанинг хўнарини ўрганиш ис-тагида бўлган кўплаб шоғирдлар сафи йилдан йилга ортиб бормоқда. Хозирда ёғоч ўймакорлиги устаси Раъ-ван Зиёевнинг 15 нафар шоғирдлари унинг хўнари сир-асорларини миридан сиригача ўрганиш истагида.

ХАРИДОР ТАЛАБИ АСОСИДА

ХАРИДОР ТАЛАБИ АСОСИДА МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШ, БОЗОРНИ ЧУҚУР ўРГАНИШ ТУФАЙЛИ ТОВАРЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ КОРХОНАЛАР МУВАФФАҚИЯТИНИ ТАЪМИНЛАШДА КАТТА АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ.

Шубҳасиз, бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг юқори сифатига қаратилган эътибор харидорлар сафини кенгайтиради, корхона нуфузини оширади, бозордаги муҳим ўрнини белгилаб беради. Шаҳримизда ўтган 2007 йилдан фаолият юритаётган «NOSIRXON A.R.» хусусий фирмаси ана шундай корхоналар сирасига қиради.

Тадбиркорлик билан иш олиб бораётган мазкур фирма мутахассислари Хитой давлатидан келтирилган замона-вий, юксак унумли технология линия, тикув машинала-ри, дастгоҳ ва ускуналар мададига таяниб, тайёрлаёт-ган эркаклар ҳамда болаларга мўъалланган сифат-ли футболкаларга талаб ортиб бормоқда.

— Маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг си-фатли матоларидан унумли фойдаланамиз, — дейди ху-сусий фирма директори Мансур Абдуллаев, — боиси, ўзимизда тайёрланган матолар экологик тоза, иқлим шароитларимизга мос ҳамда кўзаларни қувватловчи ёрқин рангларда.

Жорий йил охиригача хусусий фирма тадбиркорлари бозорни ўрганиш асосида талабга мос равишда маҳ-сулот турларини кўпайтирмақда. Бунда уларнинг чи-ройли дизайни, ярашқили бўлиши ва албатта, нархла-ри нисбатан арзонлиги аҳамият касб этади.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Биз ва жаҳон

ОЛИМПИАДА — ТИНЧЛИК, ДўСТИК ВА ҲАЛОЛ БЕЛЛАШУВЛАР ЙўЛИ

ШУ ЙИЛНИНГ АВГУСТ ОЙИДА ХИТОЙ ПОЙТАХТИДА ўТКАЗИЛАДИГАН ХХИЭ ЁШИ ОЛИМПИАДА ЙўИНЛАРИ ОЛИМПИА ҲАРАКАТИ ТАРИХИДА ЯНГИ ДАВРНИ БОШЛАБ БЕРИШИ КУТИЛМОҚДА. МУТАХАССИСЛАР ФИКРИГА ҚАРАГАНДА, ҒАП ФАҚАТ СПОРТЧИЛАР КўЛАМИ КЕНГ ҚАМРОВЛИ БўЛИШИДА ЭМАС. 2008-ЙИЛНИЛАРГА ХАЛҚАРО ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ҲАМ ҚИЗИҚИШ ТУБОРА ОРТИБ БОРМОҚДА. КУНИ КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ОЛИМПИА ҚўМИТАСИ ТАШАББУСИ БИЛАН УЮШТИРИЛГАН МАТЕВОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА БУ ҲАҚДА ЯНА БИР БОР ТАЪКИДЛАБ ўТИЛДИ. МАЗКУР АНЖУМАН ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДАГИ «ОЛИМП ЙўЛИ» ТАНЛОВИ ЛОЙИҲАСИ БИЛАН ТАНИШТИРИШГА БАҒИШЛАНГАНЛИГИНИ ИНОБАТА ОЛГАН ҲОЛДА ХХРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЮЙ ХУНЦЗЬОН ПОЙТАХТ ГАЗЕТАЛАРИ УЧУН АЛОҲИДА ИНТЕРВЬЮ БЕРДИ.

лоийҳа-қурилиш ишларида бошқа дав-латлар мутахассисларининг иштироки ҳақида нима дея оласиз?

— Шу кунгача фойдаланиш холатига шай қилинган спорт мажмуаларининг йигирма-дан зиёди янгитдан барпо этилган бўлса, аксарияти бўйича меъморчилик-лоийҳалаш-тириш ишларида хорижий давлатлар мута-хассислари жалб этилган. Масалан, менга маълумки, «Куш уюси» спорт мажмуасидаги бе-заш ишлари алоҳида тақлиф этилган ма-шхур хорижий дизайнер томонидан бажа-рилган. Қурилиш ишлари асосан хитойлик-лар кучи билан амалга оширилявтир ва бу борада маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларидан кенг фойдаланилмоқда. Олимпия шаҳарчасини барпо этиш бюдже-ти турли манбалардан шакллантирилган. Бундай хайрли ишларда ҳам кўплаб халқа-ро ташкилотлар иштирок этаётгани яна бир бор олимпия ҳаракати манфаатларимиз, қизиқишларимиз бирдамлиги йўлида хиз-мат қилаётганидан далолатларидир. Шунинг ҳам қўшимча қилмоқчиманки, кўпчиликка яхши маълум «TIME» («Вақт») журналинда яқинда ўнта замонавий меъморчилик дурдоналари

ётади. Олимпия уйинлари бўлиб ўтадиган барча ҳудудлар яшил камар билан қамраб олинади. (Пекиндан ташқари, баъзи спорт турлари бўйича беллашувлар Хитойнинг бо-шқа шаҳарларида ҳам ўтказилиши режалаш-тирилган. Мусобақалар ташкил этиладиган ҳамда спортчилар яшаш манзилларида яра-тилган шарт-шароитлар Халқаро Олимпия қўмитасининг экология масалалари бўйича махсус тузилмаси хулосасига кўра, Олим-пиада ўтказиш учун ўз номзодини кўрсата-ётган шаҳарларга нисбатан белгиланган эко-логик меъёр ва талабларга жавоб беради.

Бугунги кунда мамлакатимизда турмуш шароитлари, анъаналаримиз, одамларнинг дунёқараши ўзгариб бормоқда. Хитой хуку-мати олдида кенг қамровли вазифалар ту-рибди. Табиати муҳофиза қилиш ва эко-логик ҳафсизлиқни таъминлаш эса бирин-чи қалдаги ишларга айлиб бормоқда. Кур-раи замин барчамизники. Шундай экан, Хи-той ҳам бу борадаги умумжаҳон муаммо ва масалаларига четда турмайди, албатта. Хукуматимиз ташаббуси билан ўтган йили умумхалқ табиати муҳофиза қилиш ҳара-кати бошланди. Унинг асосий ғояси — ҳар

МИЛЛИЙ ХўНАРМОНЧИЛИКНИ ЭЪЗОЗЛАБ МЕҲНАТ ҚИЛИШ БАРОБАРИДА, УНИ ШОҒИРДЛАРИГА ўРГАТИБ РИВОЖ ТОПИРАЎТГАН, ЭЛ-ЮРТНИ БАҲРАМАНД ЭТАЎТГАН ХўНАРИ ГўЗАЛЛАР ФАОЛИЯТИ ҲАР ҚАНЧА ФАХРГА ЛОЙИҚДИР.

ШОҒИРДЛАР ЕТИШТИРМОҚДА

Чунки халқ амалий хўнармандчилигининг равнаки миллий урф-одатларимизни, анъаналаримизни қадрлашда, шарқона удумларимизни эъзозлашда катта аҳами-ят касб этади.

Миллий сўзана ва каштачилик йўналишида 8 йилдан буён хўнар сирларидан оқилон фойдаланиб, ранг-баранг миллий маҳсулотлар яратаятган Мадина Қосим-боева «Абулқосим» мадрасасида тўгарак очиб, 100 нафардан зиёд ёш қизларга устозлик қилмоқда. Унинг табиий хом ашё — адрас, шойи ва тоза ипақдан фойдаланган ҳолда меҳр билан тайёрлаган маҳсулотлари ўзига хос жиҳоси, кўркамлиги ва чиройи билан дилларингизни ром этади.

Мадина тайёрлаган маҳсулотлар орасида оддий ҳамёндан тортиб ёстиқ жилд-лари, сўзаналар, дўппи, кўйлак, костюм, туфли, этик ва бошқа турли рўзғор ашёлари ҳамда либосларни учратиш мумкин. Энг асосийси эса Мадинанинг изланувчанлиги, ҳар бир маҳсулотни дизайни устида тинмай ишлашдадир.

Ёш каштачи муваффақиятлари йилдан йилга ортиб бормоқда. У ўтган йилда «Мустақиллик нафасида камол топган хўнармандлар» деб номланган республика халқ усталари ва хўнармандлари кўргазмасининг дипломи билан тақдирланди. 2006-2007 йилларда «Мода ва дизайн» ҳафталигида унинг ишлари алоҳида қайд этилди. Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус—2008» кўрик-танловининг Собир Раҳимов туман босқичида эса 1-ўринни қўлга киритиб «Энг яхши хўнар-манд» номини олди.

Хозирда янги-янги маҳсулот турларини тайёрлашга интиляётган Мадина келгу-сида ўзининг шахсий кўргазмасини очишни ният қилган.

Нозима АҚРОМОВА

БИЗНЕСДАГИ ИМКОНИЯТЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

ТОШКЕНТДА БМТНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ КўМАГИДА САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҚОШИДАГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ БОШҚАРИШНИ ўҚИТИШ МАРКАЗИ (EMD CENTRE) ВА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БРИТАНИЯ МАСЛАҲАТ ИДОРАСИ ҲАМКОРЛИГИДА «БИЗНЕС САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЛОЙИҲАСИ» МАВЗУСИДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ ИШ БОШЛАДИ.

Таъкидлаш жоизки, Саудо-саноат палатаси қошидаги EMD Centre катор йиллардан бери Халқаро саудо мар-кази билан ҳамкорликда маҳаллий ме-нежерлар малакасини жаҳон талабла-ри даражасига кўтариш борисида сал-моқли ишларни амалга ошириб кела-ди. Яна бир эътиборли томони мар-каз, хорижнинг нуфузли бизнесни ку-затувчи ва шарҳловчи ташкилотлари билан ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, би-ргаликда бизнесни ривожлантириш бо-расида ўқув машғулотлари ташкил этишга аҳамият беради. Мамлақати-миз бизнес катлами учун ташкил этил-ган семинар-тренинг ҳам шу эътибор-нинг самарасидир.

Семинарда кичик ва ўрта бизнес субъектларининг мамлакат ишлаб чи-қаришида янада мустаҳкамроқ ва сал-моқлироқ жой олиши учун нималарга

эътибор қаратиш лозимлиги хусусида фикр юритилди. Анжуманда шунингдек, мамлакатимиз шароитида бизнес са-марадорлигини ошириш борисида хо-рижлик мутахассислар фикрлари ўрта-га ташланди. Бизнеснинг асосий шар-тлари-имконият ва билимдан фойда-ланиш, маркетинг текширувларини олиб бориш, компанияни бошқаришда бозор талабини чуқур ўрганиш, бизнес-режа, реклама, саудо бўлимининг иш-ни тўри йўлга қўйиш, миҳозларга хиз-мат кўрсатиш каби қатор хусусиятлар-га алоҳида эътибор қаратилди.

Семинарни бу борада катта тажри-бага эга Британиядаги нуфузли «Stuart Mitchell & Co.Ltd» компанияси-нинг бошқарувчиси Стюарт Митчелл олиб борди ва иштирокчиларни қизи-қтирган саволларга жавоб берди.

«Туркистон-пресс»



Хусусан Юртбошимизнинг «Болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустақамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишларини ҳам эгзу ишларининг мантқиқий давоми дейиш мумкин. Чунки санъатга, мусикага ошно қалб борки фақат эзулик, яхшилик, меҳр-муҳаббат туйғуларига ошно бўлиб яшайди, ёмонликка юз бурмайди. Маълумки, куй-қўшиқ халқимизнинг азалий ҳамроҳи, шундай экан ўсиб келаётган ёш авлодга мана шу инсонийлик руҳида тарбиялаш, иктидорини, истеъдодини вақтида аниқлаб унинг юзага чиқиши, ривожланишига шарт-шароит яратиш, кўллаб-қувватлашга интилиш лозим. Бизнинг бугунги суҳбатдошимиз ҳам санъатга жуда ёшлиқдан меҳр қўйган, ҳозирда миллий, мумтоз қўшиқларининг маромига етказиб ижро этишга интилиб келаётган, Х.Ниёзий номидаги мусика коллежида «Анъанавий хонанда» йўналиши бўйича тахсил олаётган фаол, аъло талаба Укфора Иноғомовадир.

— Укфора, бугунги кунда юртимизда ёшларга давлатимиз, шахсан Президентимиз бошчилигида катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Сизнинг ҳам ёшлар ундан унумли фойдаланишларингизми?

— Дарҳақиқат, ёшларнинг таълим-тарбия олишлари, касб-хунарли бўлишлари учун жаҳон андозалари даражасидаги коллеж, лицей, олий ўқув юрлари қурилиб, барча шарт-шароитлар яратилмоқдаки, бу эътибор ва ишончга муносиб бўлмоқликни

хар бир ёш учун ҳам фарз, ҳам қарз деб ўйлайман. Тенгдошларим орасида турли кўрик-танловлар, спортнинг ҳар хил йўналишлари бўйича чемпионлар ва бошқа турли соҳаларнинг билимдонлари борки, албатта булар ушбу эътибор самарасидир. Мен ҳам ёшлиқдан санъатга меҳр



қўйдим. Оиламиздагилар, айниқса онажоним мени кўллаб-қувватладилар. 10 ёшимдан бошлаб мактом йўналиши бўйича устоз санъаткор Расулжон Солиевдан сабоқ олдим. Илк қўшигим «Орзу» деб номланган эди. Ушбу таронани келажакдаги катта орзуларимнинг амалга ошишини ният қилиб куйлаган эдим. Уша вақтдаги ҳажжонимни сўз билан тушунириб бера олмайдим. Қўшиқ куйлаш жараёнида тушуниб етдимки, бу йўлда жуда кўп меҳнат қилиш, изланиш, интилиш керак экан.

— Хозирги кунгача неча қўшиқ ижро

этидингиз? Устозингиз, ҳамкорларингиз ким?

— Хозирги кунда коллежимиздаги барча устоз-ўқитувчиларим, айниқса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Хуррият-хон Исроилова менинг камол топишим, овозимнинг маромига етиши, репертуаримнинг ранг-баранг қўшиқлар билан бойишида сабр-матонат, талабчанлик билан сабоқ бермоқдалар. «Гул қадри», «Зебун-нисо», «Тасаддуқман», «Айлагач», «Ер келур», «Қайтмас», «Севгин» каби қўшиқларим ижро этилган. Асосан Тохир Мухаммад шеърларидан фойдаланаман, уларга Абдурашид Усмонов мусика басталайдилар.

— Келажакдаги орзу-ниятларингиз қандай, ҳаётда нимага интилиб яшаш-

Ёшлар — келажакимиз
ОРЗУЛАРИНГ ҚАНОТИНГ БЎЛСИН
ЮРТБОШИМИЗ ТОМОНИДАН 2008 ЙИЛНИНГ «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ НАВҚИРОН АВЛОД ВАКИЛЛАРИНИНГ ТУРЛИ СОҲАЛАРДА ЎЗ ОРЗУ-УМИДЛАРИНИ РЎБГА ЧИҚАРИШЛАРИ УЧУН БЕРИЛГАН ЯНА БИР ИМКОНИАТ, ЭЪТИБОРНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИДИР.

ни маъқул кўрасиз?

— Орзуларим кўп, қай бирини айтиш. Консерваторияга ўқишга кирсам, мумтоз, миллий қўшиқларимизни маромига етказиб куйлаб оладиган етук санъаткор бўлсам. Устозларим, ота-онамнинг меҳнатлари, ишончларини оқлаб «Раҳмат, қизим» деган катта кичикнинг олқини олсам. Миллий қўшиқларимизни хорижда куйлаб она Ўзбекистонимиз довергунини янада баланд кўтарсам. Албатта буларга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Тинимсиз меҳнат қилиб,

қийинчиликлардан кўркмаслик керак.

Биз суҳбат жараёнида кўнглидаги лимом-лим орзулари ҳақида тортинибгина сўзлаётган Укфоранинг ўз олдига катта мақсадларни қўйганини англаб етдик. Шунинг учун ҳам суҳбатдошимизнинг оналари Маъмурахон Иноғомова ва устози Хуррият Исроилова билан боғлиб, уларнинг ҳам дил сўзларини қозғашга тушдирик.

• **Маъмурахон ИНОҒОМОВА:** — Уч нафар фарзандим бор. Хар бир ота-она фарзанди камолини кўришни ният қилади. Қизим Укфоранинг санъатга меҳри бўлақлигини жуда ёшлиқдан пайқаб, унинг қанот ёзишига ёрдам беришга ҳаракат қилиб келамиз. Ўзим ҳам қўшиқ, мусикани севиб тинглаганим учун имкон борича кўллаб-қувватлашга интиламан. Ахир давлатимиз, шахсан Юртбошимиз томонидан ўсиб келаётган ёш авлод, фарзандларимиз камоли учун шундай эътибор кўрсатилаётган вақтда нега биз ота-оналар ёрдам бермаслигимиз керак деб ўйлайман. Насиб этса, қўшимчи ёнда туриб барча орзу-ниятларингиз амалга ошишида кўмакдош бўлам.

• **Хуррият ИСРОИЛОВА:** — Бугунги кунда мумтоз наволаримизни куйлашга интилаётган иқтидорли, истеъдодли ёшларнинг кўпайиб бораётгани қанчалик қувончли. Чунки кейинги вақтларда халқимиз орасида ёшларнинг енгил-ели қўшиқлар куйлашга, эстрада йўналишига оғиб кетишга бундан ҳам кўпроқ танқидий фикрлар билдириляётган эди. Эътибор берсак, бугун янги-янги истеъдод соҳиблари миллий қўшиқларимизни халқро танловларда ижро этиб олқиларга сазовор бўлмоқдалар. Мен шогирдим Укфорага ҳам мана шундай омодларни тилаймман. Ўқисин, излансин, интиلسин, санъат йўлини миридан сиригача ўрганиб элимизнинг суякли хонандаси даражасига етсин.

Биз ҳам эртанимизнинг ёруғ юлдузи бўлиш йўлида қанот боғлаб учиб кетайлик, орзуларимиз осмон қадар митти юлдузанинг эртаси порлоқ бўлишига тилақдошимиз. Оқ йул, сенга Укфора!

Шоира МУХАМЕДОВА суҳбатлашди

ШИОРИ — ДОИМ ОЛФА ИНТИЛИШ

«МУСИҚА — ТАФАККУРНИНГ ҚУДРАТЛИ МАНБАИ. МУСИҚИЙ ТАРБИЯ ЭСА ТОМ МАЪНОДАГИ АҚЛИЙ КАМОЛОТНИНГ ПИЛЛАПОЯСИДИР», ДЕГАН ЭДИ МАШҲУР ФАЙЛАСУФ В.СУХОМЛИНСКИЙ.

Дарҳақиқат, олимнинг бу сўзлари қанчалар ҳақиқатга яқин. Сизга бугун таништираётгани бўлаётган тенгдошимиз Г.Фаолятнинг мана бунга аққол мисолдир.

Коракалпоғистонлик Гулбахор Аҳмедова ёшлиқдан илмга чанқоқлиги ва зукколиги билан тенгдошлари орасида ажралиб турарди. Миллий бахшичилик санъатига меҳрини берган Гулбахор мусика мактабини аъло баҳоларга битирди. Ва мустақил фаолиятини телевидениеда болаларга бағишланган «Ким эпчилу, ким чақон», «Сенинг бўш вақтинг», «Болалгим подшолигим» кўрсатувларида бошлади. 2005 йил «Бойсун баҳори» фестивалида ва шу йили «Бахши оҳанглари» 4-халқро фестивалда, шунингдек, 2005—2007 йилларда Отажон

Худойшукуров хотирасига бағишланган «Ахчақул илҳомлари» республика танловида катнашиб муносиб ўринларини эгаллади.

Бугун Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқро журналистика факультетининг 2-босқич талабаси бўлган Гулбахор корейс тилини мукамал ўрганмоқда. «Ўзбегим ёшлари» гурӯҳининг аъзоси сифатида ўтган йили май ойида Малайзияда халқро фестивалда катнашиб қайтди.

Хар доим олға интилишни ўзига шийор қилиб олган Гулбахор журналистика соҳаси билан бирга миллий бахшичилик санъатини ривожлантириш, уни дунёга олиб чиқиш, таништириш истаги билан изланмоқда, интилоқда.

—Жорий йилнинг Президентимиз

томонидан «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши барча тенгдошларим каби менинг ҳам кўнглимни тоғдек кўтариб юборди, — дейди биз билан суҳбатда Гулбахор Аҳмедова. — Гўёки орзуларимга қанот бўлди. Орзу-ўйларим, ниятларим жуда катта. Ўқиш, изланиш, таълим-тарбия, хунарни вақтида эгаллаб юртим довергунини оламга таратиш. Албатта бу мақсадга етиш йўлида қийинчиликлар ҳам учрайди, ҳеч нарсага ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Лекин одамнинг ўзида ҳаракат бўлса, яратилаётган имкониятлардан тўлиқ фойдаланса, изланувчан, тиришқок бўлса улар албатта амалга ошади. Яна айтиб ўтиш керакки, сени руҳлантириб, кичик галабангни ҳам кўрсатиб, рағбатлантириб турган она-Ватанинг, меҳрибон устозларинг, яқинларинг бўлса, ҳаммасига албатта эришиб мумкин.

Ёшлар — бизнинг келажакимиз, сунъимиз, таянчимиз деб бизга билдирилган катта ишончга муносиб бўлишимиз керак.

Интилувчан бу тенгдошимизга Ёшлар йилида ўз мақсадларига эришишда зафарлар тилаб қоламиз.

Роҳила ЭРГАШЕВА



Фармон ва ижро

ЁШ ОИЛАЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

ХАЛҚИМИЗДА ОИЛА АЗАЛ-АЗАЛДАН МУҚАДДАС САНАЛГАН. БУ МИЛЛАТИМИЗНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИГА АЙЛАНИБ ҚОЛГАН. УНИНГ ЯНА БИР ФАЗИЛАТИ ҲАМИША ЁШЛАРГА САВР-ТОҚАТЛИ БЎЛИШ ВА ОИЛАГА ЕНГИЛ-ЁРПГАТИ. БУ ЭСА БАРЧАМИЗНИНГ ЮТУГИМИЗ.

Бугун ёш оилалар нафақат ота-оналари, яқинлари томонидан, балки давлат томонидан ҳам кўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида уй-жойга муҳтож ёш оилалар муаммолари ҳал этилмоқда. Бу ишда «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши ва унинг бўлимлари ҳам яқиндан ёрдам бермоқдалар.

«Камолот» ЕИХ клублар ташкил қилиш, мониторинглар ўтказиш орқали ёшлар фаолиятини ошириш билан бирга, уй-жойга муҳтож ёш оилалар сонини аниқлашда самарали ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, Ҳаракатнинг вилоятлардаги тизимли рағбат қилишга йўналтирилган Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази қошида 14 та «Ёш оила» клублари ташкил этилган.

2007 йил 3 июлда Республика «Маҳалла» жамғармаси ва «Оила илмий-амалий маркази» ҳамда «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши томонидан қўшма қарор имзоланиб, дастур ишлаб чиқилган эди. Дастурга мувофиқ маҳаллаларда мониторинглар ўтказиш учун ишчи гуруҳлари тузилиб, улар томонидан ёш оилаларнинг яшаш шартлари, ижтимоий-иқтисодий, маънавий аҳоли ўрганилиши. Натигада, Республикада ўттиз ёшгача бўлган ёш оилалар сони 995 228 нафарни ташкил этиши ва улардан 343 690 таси доимий иш ўрнига эга ва уй-жойга муҳтож эканлиги аниқланди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, «Камолот» ЕИХ бу борада ҳам ёшларга кўплаб қулайликлар яратмоқда. Хусусан, Ҳаракат томонидан 5 фоизли имтиёзли кредитлар олиш учун тавсиянома бериш йўлига қўйилди. Тавсиянома олиш учун «Камолот» ЕИХ га мурожаат қилган ёш оила аъзоси доимий иш жойига эга бўлиб, ҳақиқатан ҳам уй-жойга муҳтож бўлиши керак.

2008 йил 1 январь ҳолатига кўра, 556 нафар ёш оилага 5 фоизли имтиёзли кредит олиш учун «Камолот» ЕИХ томонидан тавсияномалар берилди. Бундан ташқари, Коракалпоғистон Республикаси ва вилоятлар, шу жумладан, Тошкент шаҳрининг хар бир туманида иккитадан, жами 67 та кўп қаватли уйлар қурилиши бошлаб юборилди. Ёш оилалар учун барпо этилаётган маъмур турар жой биноларини қуриш ва уларга яратилаётган шарт-шароитларда ёшларнинг бевосита иштирокларини таъминлаш мақсадида 37 та пудратчи ташкилотнинг бугунги кунда касб йўналишларига қўра, ишчи кучига бўлган эҳтиёжи ўрганилиб, ёшлардан иборат 44 дан ортик қурилиш отрядлари тузилди. Уларга 600 дан ортик ёшлар пудратчи ташкилотлар билан келишилган ҳолда ишга жалб қилинди.

Мамлакатимизда оилаларнинг, ёшларнинг бу қадар қадрланишини кўриб, инсон келажакка ишонч билан қарашига ўзида куч топа олади.

Бу борада юртимизда ёш оилаларга берилаятган катта имтиёз ва қўмақлар ёшлар қалбига нафақат оилага бўлган ишонч, балки ҳурмат ва муҳаббатни, келажакка бўлган интилишни ҳам шақллантиради.

Зилола РУСТАМОВА, ЎзДЖУ талабаси

Фестиваллар

ҚАДРИЯТ, УРФ-ОДАТ, АНЪАНА ВА ЁШЛАР

ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШЛАРНИ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, МАЪНАВАН БАРКАМОЛ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТАРБИЯЛАШ, БЎШ ВАҚТЛАРИНИ МАЪМУРИЙ ТАШКИЛ ЭТИШ МАҚСАДИДА «КАМОЛОТ» ЕИХ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ТОМОНИДАН БИР ҚАТОР ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛИБ КЕЛИНМОҚДА.

клуби раҳбарлари ва бошқа қатор ташкилотларнинг фаол ёшлари иштирокида ушбу фестивални ўтказмоқдамиз, — дейди «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши бўлими мудири Гулнора Абдувахобова. — Унда катнашчилар «Миллий либос», «Хўш келибсиз, хурматли меҳмон» миллий дастурхон, «Аждодларга муносиб авлод бўлайлик?» каби 8 та шарт бўйича ўзаро беллашадилар. Фойтда кўтаринки руҳ ва қизиқариш тарзда ўтадиган ушбу мусобақа барча ёшларимизда катта қизиқиш уйғотиб байрамнинг ёшларга хос жўшқинлик, гайрат-шижоат билан ўтишига хизмат қилади.

Дарҳақиқат, «Ёшлик» спорт мажмуасида ўтказилган ушбу фестивалда катнашган хар бир иштирокчи ва меҳмонлар ўн битта туман фаоллари томонидан тайёрланган чиройли байрам дастурхони, деворий газеталар, шўх куй-қўшиқларга рағбат тушаётган ёшларни кўрганда беихтиёр ушбу фестивалнинг улар учун қанчалик қадрили эканлигини англаб етдилар.

Фестивалда таниқли, эл эъозидоги санъаткорларнинг иштирок этиши тадбирга янада кўтаринкилик бахш этди. Куй-қўшиққа, дилбар рақслар шўх аскияларга уланди. Ёшлиқнинг беғубор, беташвиш онлари буй кўрсатиб бутун атрофни яшнатиб юборди гўё.

Ҳақамлар ҳайъати танлов шартлари бўйича голибларни эълон қилар экан ёшлар хар бир голибни давомли қарсақлар билан олқилаб турдилар. Уларга Фаҳрий ёрлик ва эсдалик совғалари катта тантана билан топширилди. Шунингдек фестивал давомида баҳорнинг тансиқ таоми — сумалақлар ҳам тайёрланиб самимий тилақлар билдирилиб дастурхонга тортилди.

Бугунги кун ёшларига ҳавас билан ушбу фестивалдан қайтар эканми, хар йили ушбу байрамни соғиниб кўташиб. Наврўзимиз барчамизга омад, бахт, элимизга кут-баракат, тўкинлик келтирсин, деган самимий тилақларни эшитдик. Биз ҳам ушбу тилақларга қўшилиб, элимизга омонлик, ёшларимизга бугунги кун қадрига етиб ишда, ўқишда, ҳаётда фаоллик, ҳаммиса олдинга интилишларини тилаб қоламиз.

Азиза МУХАМЕДОВА

Тадбирлар

СУВ РЕСУРСЛАРИ МУҲОФАЗАСИ ЙЎЛИДА

СУВ ҲАЁТ ВА ТИРИКЛИК МАНБАИ, БЕБАҲО НЕМАТДИР. БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ БОШ АССАМБЛЕЯСИ ТОМОНИДАН БУТУНЖАҲОН СУВ КУНИ БЕЛГИЛАНГАН ВА 2005 — 2015 ЙИЛЛАР «СУВ — ҲАЁТ УЧУН» ҲАРАКАТЛАРИ ХАЛҚАРО ЎН ЙИЛЛИГИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ. ЯҚИНДА «ЭКОСАН» ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ, ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ ҲАМКОРЛИГИДА БУТУНЖАҲОН СУВ КУНИГА БАРИШЛАБ «ЁШЛАР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИНИНГ МУҲОФАЗАСИ» МАВЗУСИДА ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ.

Тадбирда «Экосан» халқро ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиқларининг раҳбар ва вакиллари, сув масалалари билан шўғулланувчи эколог-олимлар, мутахассислар, институтнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалар ҳамда журналистлар иштирок этди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мана 15 йилдан буён Бутунжаҳон Сув куни дунёнинг 140 дан зиёд мамлакатларида нишонланган келмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад — сув объектларининг ҳолатига ва уларни муҳофаза қилиш билан боғлиқ муаммоларга жамоатчилик эътиборини жалб қилиш, сувнинг хар бир инсон ҳаётида турган муҳим роль устида фикрлашга ундашдан иборатдир. Шунини таъкидлаш керакки, сайёрамизнинг тўртдан уч қисми океан, денгиз, дарё ва кўлар сувлари билан қопланган. Лекин сув захиралари, ҳудудий жиҳатдан турлича тақсимланган. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, сайёрамиздаги 2 миллиард аҳоли ичимлик суви танқислигидан азият чеқмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга санитария шароитига ҳам эътибор қаратиш зарур албатта. Ханузгача сувдан нооқилоқ фойдаланиш, суғориш тизими ва сув бошқарувида суви тежаш тажрибаларининг рағбатлантиришга камчиликлар мавжуд. Шунинг учун айниқса тоза ичимлик сувига эҳтиёткорона муносабатни шақллантириш борисида керакли чора-тадбирлар қўрилиши лозим. Бунда айниқса ёшларнинг, ирригация ва мелiorация соҳаси мутахассисларининг, жумладан ушбу тадбир иштирокчилари — ТИМИ профессор-ўқитувчилари, институтни тугаллаётган ёш мутахассисларнинг иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Дилором ИКРОМОВА

Таълим

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИГА ЭЪТИБОР

«ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎТГАН ЎҚУВ ЙИЛИ «АҲБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ПЕДАГОГ КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЎҚУВ ЙИЛИ» СИФАТИДА НИШОНЛАНДИ. ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ЭСА ҚАНДАЙ НОМЛАНДИ?»

Бир гуруҳ талабаларнинг бу саволига жавоб излаш мақсадида жамоатчи муҳбиримиз Акбар Алиев Республика таълим маркази иқтисодий фанлар бўлимида бўлди. Бўлим ходимлари янги ўқув йили умумтаълим мактабларида молиялаштириш механизмининг тақомиллаштириш шийори остида бошланганлигини маълум қилишди. Шу мақсадда «2007 — 2008 ўқув йили» Таълим муассасаларида иқтисодий таълим ва молиявий саводхонлик самарадорлигини ошириш ўқув йили» деб номлаш тўғрисида буйруқ қабул қилинди. Шунга кўра ушбу масалалар қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Иқтисодий таълим ва молиявий саводхонлик масалаларига ажратилган машғулот соатларини мазмунли ўтказиш, алоҳида тест топшириқлари шақлландаги саволномалар киритиш тавсия этилди.

Умумтаълим муассасаларида иқтисодий билим асослари туркумига кирадиган фанларни ўқитиш самарадорлиги мониторингининг амалга ошириш натижалари асосида услубий тавсиялар ишлаб чиқилади.

Таълим муассасаларидаги педагогларнинг иқтисодий таълим ва молиявий саводхонлиги бўйича семинар-тренинглар ва махсус ўқувлар ташкил этилади.

«Иқтисодий билим асослари» фани ойлигини ўтказиш тадбирлари қўрилди. «Зукко истеъмоли», «Энг яхши дарс ишланмаси» деган фан кечалари, қизиқарли баҳс-мунозаралар ўтказилди. Мавзуйий альбомлар танлови ҳам уюштирилди. Мактабларнинг иқтисод фани дарсликлари муаллимлари билан ўқувчилар ўрашувларини ташкил этиш ҳам режалаштирилди. Шунингдек, «Энг яхши дарс ишланмаси», «Энг яхши очик дарс» танловлари ҳам ўз икборий самарасини беради. Муассасаларнинг молиявий-иқтисодий таъминотини яхшилашга қаратилган ўқув режасига 4 соат қўшимча машғулот киритилди.

НОГИРОНЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЎН ИККИТА ВИЛОЯТИДА НОГИРОНЛАР ВА УЛАР БИЛАН ИШЛАЙДИГАН ТАШКИЛОТЛАРИНИ ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИНИ ЯНАДА ОШИРИШ МАҚСАДИДА ПРОВАЙДЕР МАРКАЗЛАРИ ИШ БОШЛАДИ.

Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида Ўзбекистон ногиронлар жамияти ва Ташқи ишлар вазирлигини ҳамкорлигида ушбу лойиҳа 2006 йилда ишлаб чиқилган эди. Республика ногиронлар жамияти лозим ташкилотлар билан шартнома имзолаган, Япония элчихонасидан ажратилган маблағ ёрдамида лойиҳа ҳаётга тадбиқ этила бошлади.

Вилоятлардаги провайдер марказларидан ташқари, Тошкент шаҳрида бу лойиҳадан фойдаланаётганлар учун асосий сетга хоҳланган пайтда бепул улашиш имконияти ҳам яратилди. Натигада, шахсий компьютерга эга ногиронлар ва ташкилотларга интернет тармоғидан фойдаланиш учун қулай шароит турлиди.

—Бугунда интернет-ресурсларга бепул улашиш имкониятидан ногиронлар билан ишлайдиган 25 та ташкилот ва беш юздан ортик жисмоний шахслар фойдаланишмоқда, —дейди Ўзбекистон ногиронлар жамияти вакили Ойбек Исоқов. —Пойтахтда бу сетга улашиш 15 апрелдан бошлади, ҳужжатлар аризаларига ногиронликлари тўғрисидаги хулосатни, уй манзили, телефон номерларини илова қилишса бас.

—Имоним қомилки, бу коммуникация маркази минглаб ногиронлар учун катта қулайликлар туғдиради. Биз ана шундай саволи иқтисодий лойиҳани амалга ошириш жараёнида иштирок этаётганимиздан мамнунми, —дейди Япония элчихонаси вакили Такаюки Комаке.

Таъкидлаш жоизки, ушбу лойиҳа мамлакатимизда ногирон инсонларни ҳўмон қилиш ва кўллаб-қувватлаш борисидо қилинаётган кўмақларга йўналишларини яна бир қўриниши. Ортада қолган йилнинг «Иқтисодий ҳўмон йили» деб аталгани, мамлакатимиз парламентининг «Ногиронларни иқтисодий ҳўмон қилиш тўғрисида»ги қонун муҳокама қилинаётгани фикримизнинг исботидир. Юқоридаги лойиҳа эса жисмоний қамчиликлар боис, имкониятларини тўлиқ намоён қилмаётган инсонлар учун аҳборот олиш, дунёдаги ҳодисалардан бохабар бўлиб ишларида катта қулайликлар яратди.

«Туркистон-пресс»



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

ХИКМАТЛАР

Айтишларича, бир файласуф ўз шогирдларига шундай деб ёзган экан: «Ёмонга кўшни бўлган одам денгиз сайёҳига ўхшайди: у фарқ бўлишдан қутулса ҳам кўркувдан қутула олмайди».

Фойдали ва зарарли нарсаларни ҳатто ваҳший ҳайвонлар ҳам фарқ эта билдилар.

Ёлғиз қолган одам қаерда бўлмасин ҳалок бўлади.

Сувда тимсоҳ билан бирга сузмоқ таҳликалидир.

Агар кимда-ким ўзи илоннинг оғзидан захари олиб ичса, илон айбдор эмас.

Ким шернинг горига кирмоқчи бўлса-ю, шер хужумидан эмин бўламан деса, бекор айтибди.

Маърифатли одамлар ҳам ўзларидан паст ва юқори вазифадаги одамлар билан маслаҳатлашмоғи керак.

Хусусий масалаларни ҳал этишда бир ақл озлик қилганидек, умумий масалаларни ечишга ҳам кифоя қилмайди.

Шоҳлар ўз нуфузи жиҳатидан файласуфлардан устун бўлсалар ҳам, файласуфлар ўз билимлари билан шоҳлардан афзалдирлар. Зотан, донишмандларнинг шоҳларга эҳтиёжлари йўқ, шоҳлар эса қанчалик бой бўлмасинлар, донишмандларга муҳтождирлар, уларсиз яшай олмайдилар.

Мен ақл билан ҳаёни энг яқин ажралмас дўст деб биланам, бири йўқолса, иккинчисини ҳам топиб бўлмайди.

Кимки олимлардан ҳаё қилмаса, уларни хурмат этмаса, уларнинг афзалликларини эътироф этмаса, уларни ҳақоратлардан қутқармаса, ундай одамнинг ақли зое кетади ва ҳаёти барбод бўлади. Олимларга қарши адолатсизлик қилганлиги учун ундай одамни аҳмоқлар қаторига қўшиб қўядилар.

Ақлди одамлар яхши хабар келтирадилар, аҳмоқлар эса, аксинча, ёмон хабар билан келадилар.

Инсонни бутун ҳайвонлардан юқори қўйган, уни дунёнинг бутун сирларидан воқиф этган тўрт нарса бордир: ҳикмат, ақл, қаноат ва адолат. Илм таҳсил этмоқ, савод чиқармоқ ва ҳар нарсани атрофлича тушуна билмоқ — ҳикматга; тадбир, сабр, назокат, марҳамат — ақлга; ҳаё, олижаноблик, ўзини қўлга олмақ ва ўзининг ҳақхуққини билмоқ — қаноатга; тўғрилиқ, ваъдага вафо, эзгу ишлар қилмоқ ва яхши хосиятли бўлмоқ — адолатга тегишлидир. Бу сифатларнинг бариси бир одамда мужассам бўлса, дунёдаги энг буюк саодат ҳам уни гангитиб қўймайди, энг катта бахтсизлик ҳам уни саросимага сола билмайди. Бундай одам уни хурсанд қилмайдиган нарсаларнинг борлигидан ҳам ғамейди, ўзида мавжуд нарсалардан тақдир маҳрум этгудек бўлса, хафаланмайди, бошига фалокат келса, ўзини йўқотиб қўймайди.

Ҳикмат — битмас ва туганмас хазинадир, харжлаганинг билан у камаймайди, асраганинг билан унга нуқсон етмайди. Ҳикмат шундай либоски, кийганинг билан эскирмайди. У ниҳояси йўқ роҳатдир.

Оталар дебдурларки, тилингни сақла, бошинг саломат бўлади, ўринсиз сўзламоқнинг натижаси пушаймонликдир.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



УСТОЗЛАР МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИНГ ЖИСМОНАН БАҚУВВАТ, СОҒЛОМ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ, АЙНИҚСА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ СПОРТГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШЛАРИНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАРҒИБ ЭТИШ, ОММАВИЙ СПОРТ ТАДБИРЛАРИ ОРҚАЛИ ЯНАДА КЕНГРОҚ ҚАМРАБ ОЛИШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.

Хусусан яқинда «Ёшлар йили»га бағишлаб Яққасарой туманидаги «Қушбеги» болалар спорт мажмуасида туман ҳокими соврини учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг шаҳар бўлими, туман халқ таълими бўлими каби бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган спорт мусобақаларида айнан ёшлар мураббийлари — тумандаги мактаблар раҳбарлари ва ўқитувчилари ўз кучларини синаб кўришди.

— Азиз ота-она, ўқитувчи-мураббийлар ва мусобақа қатнашчилари, — деди жумладан тадбирни очар экан туман ҳокими Валихон Муллажонов, — барчангизни туманимизда ўтказилаётган катта спорт байрами билан кизгин қутлайман, барча жамоаларга омадлар тилайман. «Ёшлар йили»да спортнинг барча турлари бўйича

бундай мусобақаларни ҳали кўплаб ўтказамиз. Чунки ёшларимизнинг соғлом, бақувват, маънан ва руҳан баркамол бўлиб вояга етишлари асосий мақсадимиз. Бу йўлда ҳар биримиз фаол, интилувчан ва ташаббускор бўлишимиз лозим.

Спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси ва эстафета турлари бўйича икки босқичда ўтказилган ўшбу мусобақанинг саралаш босқичида спортга қизиққан мактаб раҳбарлари ва ўқитувчилардан иборат 16 та жамоа 2 та гуруҳда куч синашган эди. Тумандаги 319-мактабда ўтказилган ўшбу мусобақада 100, 26, 91, 72, 319, 160, 144-мактаблар жамоалари финал босқичида беллашиш ҳуқуқини қўлга киритган эдилар. Ҳар бир мактабдан 10 кишидан таркиб толган жамоа ғолиблик учун астойдил курашар экан, эстафета уйинлари, шахмат, шашка, стол тенниси қанчалик оммалашиб бораё-

Спорт янгиликлари

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

4-19 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТА ЎН ОЛТИ ЁШГАЧА БЎЛГАН ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЎТКАЗИЛАДИ. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН ПОЙТАХТДАГИ ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛ МЕҲМОНХОНАСИДА ЧЕМПИОНАТИНИНГ ФИНАЛ БОСҚИЧИГА ҚУРЪА ТАШЛАНДИ.

Унга кўра терма жамоамиз аъзолари мезбонлик ваколатидан фойдаланган ҳолда Тўғридан-тўғри "А" гуруҳига жойлаштирилди. Бу тўғриликда уларга Эрон, Сингапур ва Бахрайн термалари рақиблик қиладиган бўлди. Қуръа ташлаш маросимини ҳажжон билан кузатган терма жамоамиз бош мураббийи Роберт Гай натижадан қониқиб ҳосил қилганини айтди.

— Қуръа натижаларидан хурсандман, рақибларга келсақ уларнинг икитаси билан яхши танишимиз, — деди Роберт Гай. — Сингапур термаси билан яқиндагина ўшбу мамлакатда бўлиб ўтган турнирда ўртоқлик учрашувида ғалаба қозонган бўлсак, эронликлар билан 2005-2006 йиллардаги турнирларда тўқнаш келганмиз. Чорак финал йўлланмаси учун курашда бахрайинликлар ҳам бизга жиддий қаршилик қилиши мумкин. Турнирда мезбон сифатида қатнашаётганимиз учун ҳам ғолибликни қўлга киритишимиз зарур. Гуруҳда Эрон футболчилари бизнинг асосий рақибимиз бўлади.

Агар ҳамюртларимиз гуруҳдан чиқишса

уларга кейинги босқичда "Б" гуруҳи вакиллари Сурия, Жанубий Корея, Хиндистон ва Индонезия термаларидан бири рўбарў келиши мумкин. Мутахассислар томонидан "С" гуруҳи ўлим гуруҳи деб таъкидланяпти. Сабаби бу гуруҳда китъанинг энг кучли жамоалари Хитой, Саудия Арабистони, Австралия ва Туркменистон термалари бириктирилган ва иккинчи ўрин учун кураш олиб боради. Амалдаги чемпион Японияга эса Яман, Малайзия ва Бирлашган Араб Амирликлари қаршилик кўрсатади. "Пахтакор" стадионида ўтказила-рини очилиш маросимидан сўнг футболчиларимиз сингапурлик тенгдошларига қарши ўйин билан мусобақани бошлади.

Тадбир давомида ўтказилган матбуот анжуманида ташкилотчилар тайёргарлик борасида Ўзбекистон тажрибасини алоҳида эътироф этиб, мусобақа ҳақиқий футбол байрами бўлишига ишонч билдиришди.

Миллий федерациямиз раҳбарлари Осийё чемпионатида жамоамиз дастлабки тўрт ўриндан бирини эгаллаб жаҳон чемпионати йўлланмасига эга бўлса муносиб тарзда тақдирланганини таъкидлашди.

Уйинлар пойтахтимиздаги "Пахтакор" ҳамда Марказий ҳарбий спорт клуби стадионида ўтказилади. Гуруҳ босқичида дастлабки икки ўринни эгаллаган жамоалар чорак финалда тўп суради. 19 октябрда эса мухлис-лар бош соврин учун кенчадиган ҳал қилувчи финал учрашувида гувоҳ бўлишди.

Рустам ХАЙДАРОВ,
"Туркистон-пресс"

ҚУРБОНОВ — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ЭРКИН ВА ИЮН-РУМ КУРАШИ БЎЙИЧА

"Тошкент оқшоми" саломатлик хизмати

ҚАНДАЙ ПАРҲЕЗ ФОЙДАЛИ?

Россия тиббиёт фанлари академияси шифобахш парҳез бўлими раҳбари Алла Погочева шундай оқватла-ниш пирамидасини тавсия этади: пирамиданинг асосида турли ёрмалар, қўқатлар, хамирли оқватлар (қунига 4-5 ва ундан ортиқ таом истеъмол қилинади) туради. Улардан кейин энг кўп сабзавотлар (қунига 3-5 хили), мевалар (қунига 2-4 хили) истеъмол қилинади.

Пирамиданинг кейинги зинасидан сут ва сут махсулот-лари (қунига 2-3 хили) ҳамда гўшт, балик, парранда, дуккаклилар ва ёнғоқлар (қунига 2-3 хил оқват) жойлаш-ган. Ниҳоят, пирамиданинг энг юқори чўққисидан турувчи ёғлар ва ширинликлар энг кам — вақт-вақти билан истеъмолда бўлиши керак. Аммо...

Аёллар озиш учун нималар қилишмайди — аёллардан бири совутиччи қўқатлаб, калитини яшириб қўйса, бош-қас учда фақат сабзини сақлаган, учинчиси эса, совут-гис эшигига "энг семиз" фотосуратини ёпиштирган ва х.к. Аёлларимиз ўзларини беҳуда қийнамасликлари учун улар уртасида энг кенг тарқалган ва тиббий жиҳатдан мақбул ҳисобланган парҳезлар рўйхатини келтирамиз.

Паст калорияли парҳез. Мазкур парҳез бўйича ҳар бир одам кунига 800 килокалориядан камроқ қувватга эга бўлган егуликлар тановул қилади. Лекин Ғарбда бундай шифоқатсиз парҳездан аллақачонларидек воз кечишган. Фақат ҳафтасига бир марта, у ҳам бўлса бир кун олдинги катта зиёфатдан кейин шунчалик кам оқват ейиш мумкин.

Хозирги давр кишилари, сўнгги тадқиқотлар натижа-лари кўрсатишича, том маънода барча витаминлар, ми-нераллар ва бошқа моддалар танқислигидан азият чека-дилар. Бундай кам оқватликда моддалар алмашинуви ўзга-ради ва ортиқча вазнга йўл қўймаслик учун сиз тобора камроқ оқват ейишингизга тўғри келади ва бу охи-роқибатда янчали оқватларга олиб боради. Буни ёдин-гиздан чиқарманг.

Чойли парҳез. Кўпчилик рекламаларга учиб, мўъжиза-



танлигини ҳам намойиш қилдилар. — Ўшбу спорт мусобақасини ўтказиш жараёнида ўзи-миз бевосита гувоҳи бўлдики соғлом турмуш тарзи-ни, спортни оммалаштириш бўйича қилинаётган иш-лар беиз кетмаётган экан, — дейди биз билан суҳбат-да Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлими вакили Мурод Тоштемуров. — Ҳар бир жамоанинг, қатнашчининг мусобақага қаттиқ тайёргар-лик кўргани, ғалабага интилиши шундан дарак бериб турибди. Мақсадимиз ҳам ёшларни, айниқса қизлар-ни спортга янада кенгроқ жалб этиш, соғлом турмуш тарзининг афзаллигини етказиш, оммавий спорт тад-бирларини кўплаб ўтказиб, олган билимлари, кўник-маларини мустаҳкамлашдир.

Ғоятда қизиқарли ва кўтаринки руҳда ўтган ўшбу мусобақа ҳамалар томонидан ҳолисона баҳоланиб, қат-нашчилар томонидан қўллаб-қувватланди. Ғолиб ва со-вриндорлар эса мутасадди ташкилот ва ҳомийлар то-монидан дипломлар ва эсдалик совғалари билан му-носиб тақдирланди.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: «Қушбеги» болалар спорт мажму-ида ўтказилган спорт мусобақаларидан лавҳалар.
Наталья Семёнова олган суратлар

«Алгоритм» (Тошкент) мазкур босқичда ҳам чемпионликка асосий даъвогар эканини ис-ботлади. Владимир Коноплев шогирдлари — «Урганч олимпия захиралари спорт колле-жи»ни (Урганч) 56:13, «Андижон олимпия за-хиралари спорт коллежи»ни (Андижон) 45:16, «Ўзбекистон Миллий университети»ни (Тош-кент) 57:17, «Баркамол»ни (Олмалик) 46:25 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Пойтахтликларнинг асосий рақобатчи — «Олмалик кон-металлургия комбинати» (Ол-малик) гандболчиларига қарши ўтказган ба-ҳси мусобақанинг марказий учрашуви сифа-тида эътироф этилди. Ҳар томонлама бир-бирига мос жамоалар ўйинида омад «Алго-ритм» томонида бўлди ва тошкентликлар мезбонлар устидан 31:30 ҳисобида зафар қучишди.

Учинчи тур якунларига кўра, «Алгоритм» 34 очко жамғариб, мусобақа жадвалининг биринчи поғонасида қайд этилган.

Олмаликлик гандболчи қизлар пешқада-ми имкониятини бой берганига қарамай, қол-ган барча учрашувларда муваффақият қозо-нишди. «Олмалик кон-металлургия комби-нати» вакиллари «Ўзбекистон Миллий уни-верситети»дан 48:15, «Урганч олимпия за-хиралари спорт коллежи»дан 40:12, «Барка-мол»дан 27:10, «Андижон олимпия захира-лари спорт коллежи»дан 46:24 ҳисобида ус-тун келди. Олмаликликлар 28 очко билан иккинчи ўринга кўтарилиб олдилар.

Чемпионат бронза медалига «Ўзбеки-стон Миллий университети» жамоаси даъво-гарлик қилмоқда. Тошкентликлар учинчи тур-да «Баркамол»ни 20:19, «Урганч олимпия захиралари спорт коллежи»ни 21:15 ҳисо-бида доғда қолдирди. Гарчи «Ўзбекистон Миллий университети» жамоаси «Андижон олимпия захиралари спорт коллежи»га 30:37 ҳисобида ютказиб қўйган бўлса-да, 20 очко жамғарган ҳолда кучли учликда бормоқда.

Боҳир БЕК

ликларининг авж олиш хавфи туғилади. Вафотидан олдин Атқис парҳезни ўзгартирган. У оқ-ватлар таркибига ортиқча глюкоза ва ёғларни ўзи билан қўшиб организмдан олиб чиқиб кетувчи озика толарарига эга бўлган баргли қўқатларни киритган. Шу тариха ҳатто унинг ўзи ҳам озиқ-овқатларнинг фақат бир гуруҳига ди-катни жамлаш мумкин эмаслигини эътироф этган.

Тансиқ таомларга асосланган парҳез. Баъзи бировлар «Кам есанг ҳам соз е!» ва «Ананас еб бўлдуруқ гўштини чайна», деган нақлларга асосланган парҳезни танлаша-ди. Агар шу пулга бир бўлак лосос балиғи келса, бир челақ вермишелнинг нима кераги бор, дейишади улар. Бундай ҳол фикр эгалари фойдали таом арзон ва ҳам-маоп бўлишини тушунишмайди.

Кам харж билан соғлом овқатланиш тартибини жорий этинг. Салаяни ўрнига озорқ гўшт қайнатинг, папаяи ўрни-га бир бош қарам харид қилинг, икра ўрнига арзон балик сотиб олинг ва кепакли ундан ёпилган нон энг — булар жуда фойдали.

«Пирамида»га асосланган. Ортиқча ваздан аста-секин-лик билан қутилиш учун аёлларимиз, ҳар қалай, қандай парҳез тутганлари маълум? Шифокорлар илк бор АКШ да жорий этилган «овқатланиш пирамидаси»га риоя қилишни маслаҳат беришди. Мазкур пирамида асосида энг катта тахта — дон махсулотлари — яъни нон, мака-ронлар, гуруч, бўтқа ва бошқаларойлашган тахта ётади. Ундан кейинги тахта кичикроқ бўлиб, у бир хил қимматга эга бўлган икки блокдан — мева ва сабзавотлардан ибор-ат.

Унинг юқорисидан тахта олдингисидан кичикроқ бўлиб, у ҳам икки «ғишт» — яъни сут махсулотлари ва оксилли ҳамда дуккакли озикалардан иборат. Пирамида-нинг чўққиси, яъни энг кичик жойни ёғлар, ширинлик-лар, ёнғоқлар жой олган. Булардан ташқари қунига 1,5 литр суюқлик ва чой қошиғи микдоридан туз истеъмол қилиниши керак.

Хуллас, озиш, ортиқча ваздан қутилиш учун турли миш-мишларга эмас, балки шу соҳанинг нуфузли мута-хассислари маслаҳатларига асосланиб иш кўриш лозим. Зеро, бу борадаги ўзбошимчилик туғайли ўзларига кат-та ташвиш орттириб олганлар аёлларимиз орасида оз-мунча топилмайд.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Ташкилотга электр монтажчилар ва электр монтажчиларнинг про-раблари ишга таклиф этилади. Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаслиги керак. Ишбай мукофотли ҳақ тўла-нади. 127-46-24, 127-33-74 теле-фонларига мурожаат қилинг.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-306

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатда олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3350 нусxada босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 3456